

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни Интеграциялаштириш Сиёсати

Axmadova Nafisa Axmad qizi¹

Резюме: Ўзбекистоннинг МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқалар, ўзаро алмашинув, тарихий-маданий мулокотлар, ўзаро келишув ва битимлар манбалар асосида ёритилди ва тахлил этилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларида ўзаро ҳамкорлигига тўхталиб ўтилди. Ўзаро келишувлар асосида ижтимоий, сиёсий ва маданий, фан ва таълим соҳаларида ютуқларга эришилди. Кейинги истиқболли режалар белгилаб олинди.

Калит сўзлар: дипломатик муносабатлар, халқаро ҳамкорлик, МДҲ, МОҲ, Россия, Хитой, АҚШ, Марказий Осиё, Қозоғистон, Тожикистон, хорижий мамлакатлар, дипломатия, элчихона, иқтисодиёт, сиёsat, фан ва таълим, илмий- техникавий, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, туризм, маданият.

XXI аср арафасида инсоният тарихида жуда катта глобал миқёсдаги туб ўзгаришлар юз берди. Мустақил давлатларнинг вужудга келиши Марказий Осиёда истиқомат қилаётган халқларнинг ривожланиши учун катта имкониятларни яратиб берди.

Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгач, тарихий муносабатлар мутлақо ўзгача қиёфага ва мазмун-моҳиятга эга бўла борди. Тарих ва замон шарт-шароити ўзаро қўшничилик муносабатларини энг замонавий талаблар асосида қайта қуриш зарурлигини кўрсатди. Марказий Осиё давлатлари ўтган асрнинг 90-йилларигача дунёдан деярли узилиб қолган бўлиб, турли давлатлар билан фаол ҳамкорликни ўрнатилиши улар учун янги имкониятлар эшигини очди. [1]

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, Ўзбекистон ҳукумати минтақавий интеграция йўлида доимо ташаббусни ўз қўлида тутиб турганлиги кузатилади. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон минтақавий қўламдаги халқаро муносабатларда фаол субъект сифатида ўзини кўрсата олди.

Кўпгина сиёsatшуносларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеи стратегик хусусиятларга эга объектив омилларга асосланади. Бу омиллар, биринчидан, Ўзбекистон минтақадаги аҳолиси энг кўп давлат, ўзбеклар эса минтақадаги энг кўп сонли миллатdir. Иккинчидан, Ўзбекистон минтақадаги беш давлат билан умумий чегарага эга ягона давлат, у Марказий Осиёнинг марказида жойлашган. Учинчидан, минтақада ўтмишда ҳукм сурган давлатларнинг пойтахтлари - Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон ва Тошкент шаҳарлари Ўзбекистонда жойлашган. Тўртинчидан, Ўзбекистон минтақадаги энг ривожланган иқтисодий салоҳият, коммуникациялар инфратузилмаси ва малакали меҳнат ресурсларига эга.[2] Шу туфайли, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари билан кўп соҳалардаги интеграцияларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Биринчи Президент Ислом Каримов ташабbusи билан 1993 йилнинг январида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлиги ташкил этилди. Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Буни минтақа халқлари зўр мамнуният билан қарши олдилар ва кўллаб-куватладилар.[3]

¹ Termiz davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi



Шу тариқа жаҳон сиёсий сўзлигида “Марказий Осиё” деган янги атама пайдо бўлди. 1995 йилнинг январь ойида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида иқтисодий ҳамкорликка оид хужжатлар имзоланди. Кейинчалик бу хужжатга Қирғизистон Республикаси қўшилди. Шундай қилиб бу давлатлар ўртасида ягона бозорни вужудга келтириш ва маҳсулот айирбошлиш имконияти пайдо бўлди.

Марказий Осиё ёқилғи - энергетика ресурсларининг катта захираларига эга. Шундай қилиб, қазиб олинган кўмир захираларининг 88,6% и, газнинг 32 % и Қозоғистон худудида тўпланган. Ўзбекистонда табиий газ 23%, кўмир - 4,9 % ва Туркманистон гази - 44% ни ташкил қиласди. Газ конденсати билан очилган нефть захираларининг катта қисми Қозоғистон ва Туркманистоннинг ғарбий қисмida, шунингдек, Ўзбекистонда тўпланган. Йилига қарийб 554 миллиард квт/соат гидроэнергетика салоҳиятига эга бўлган минтақа сув ресурсларининг асосий қисми Қирғизистон(30%) ва Тожикистон(53%) да ҳосил бўлади. Қирғизистондаги гидроэнергетика ресурсларининг потенциал захираларини ўзлаштириш Тожикистонда қарийб 4,6 фоизни ташкил этади.[4]

Шу боис давлат раҳбарлари минтақанинг гидроресурсларидан оқилона ва тўлиқ фойдаланишни назарда тутган ҳолда ҳалқаро энергетика консорсиумини тузишга қарор қиласди, булар энг аввало – Норин ва Сирдарё ҳавзаларидир.[13]

Ислом Каримов бошлигидаги давлат делегацияси 1994 йил 8 июлда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлат ва ҳукумат бошликлари учрашувига қатнашиш учун Алматига келди. Қозоғистон Президенти қароргоҳида уч давлат раҳбарларининг музокаралари бўлиб ўтди. Делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ҳам бўлиб ўтди. Музокаралар сўнгиди Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев биргаликда баёнот ва Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳалқларига Мурожаатномани қабул қилдилар. Аҳоли миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Мамлакатлар ўртасида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди. Давлат раҳбарлари шунингдек мамлакатлар ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги, ижтимоий-иктисодий тараққиёт соҳасидаги ҳукуматлараро шартномаларни, ахборот билан таъминлаш соҳасидаги битимларга кўл қўйдилар.[14]

Шу йилларда ижтимоий ҳаётнинг қўргина соҳалари, хусусан, илм-фан, маданият соҳасида Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатлари янада кенгайгандигини алоҳида уқтириш лозим. Хусусан, 1996 йилгача илм-фан ва технологияларнинг 16 та устувор йўналиши бўйича 107 та қўшма лойиха тайёрланди.

1994 йили Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси Кунлари ўтказилди ва унда Ўзбекистон – Қозоғистон Марказини ташкил қилиш хусусида келишиб олинди. Тенглик асосида ахборот ва таҳририят материаллари алмашинадиган бўлди. Ҳалқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам Ўзбекистон Қозоғистон муносабатлари янада кенгая борди. Хусусан, маданий алоқалар анъанавий тус олди. Айниқса, 1999 йил 8 апрель куни Туркманистон Президентининг саройида бўлиб ўтган Оролни қутқариш Ҳалқаро жамғармасининг мажлиси ҳақида тўхталиб ўтилди. Жамғарма Президенти Ислом Каримов Жамғарманинг 1997–1999 йилларда олиб борган фаолияти ҳақида сўзлади ҳамда келгусида жамғармани янада ривожлантириш бўйича ўз таклиф мулоҳазаларини билдириди.

Марказий Осиё давлатлари қардошлик муносабатларида Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Тожик ва ўзбек ҳалқларининг ўтмиши, ўзаро боғлиқлиги ва ҳозирги муносабатлари турли даврларда турлича мунозараларга сабаб бўлган.[15]

1992 йил 8 октябрда Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов раҳбарлигидаги делегация расмий ташриф билан Тошкентга келди.

1991–1996 йилларда Ўзбекистон ва Туркманистон муносабатларида ҳам ўзаро қардошлик, дўстлик, биродарлик, иқтисодий, маънавий соҳаларда ҳамкорлик тамойилига амал қилинди.



Қардош халқларнинг умумий хонадонини шакллантириш, ягона замин ва маконни қарор топтиришнинг маънавий пойдевори, қадим ўтмиш муштараклиги ва шулар асосида шаклланган урф-одатлар, анъаналар ва турмуш тарзини ўрганишдан иборатdir.

1995 йил 5 майда Биринчи Президент И.Каримов томонидан Олий Мажлис II сессиясида “Туркистон - умумий уйимиз” шиорининг илгари сурилди. Ундан кўзланган мақсад – бу минтақавий барқарорликни таъминлашdir.

2002 йилда МОХ давлат бошлиqlарининг 4 марта учрашуви бўлиб ўтди (Олмаота – 28 февраль, Оқтоб – 6-7 июль, Душанбе – 5-6 октябрь, Остона – 27-декабрь).

2002 йил 18 ноябрида Тошкентда МОХ ташкилоти мамлакатлари парламентлари аъзоларининг давлатлар қонунчилик базаларини яқинлаштиришга қаратилган учрашуви, 2002 йил 28-29 ноябрда МОХ ташкилотига аъзо давлатлар ишбильармон доиралари ва тадбиркорларининг Марказий Осиё Ҳамкорлиги – иқтисодий интеграция жараёнини чуқурлаштириш мавзуида бизнес форуми ўтказилди. Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилди.[5]

Ўзбекистон 1991 йил кузида мустақиллигини эълон қилган ва 1991 йил декабрь ойида МДҲ га аъзо бўлган Марказий Осиё Республикаларидан бири. Ижтимоий-иктисодий ва маданий алоқалари, тарихи ва динлари билан умумий бўлган, умумий майдони қарийб 4млн квадрат километр бўлган давлат. Ўзбекистон ахолиси бўйича 1-ўринни эгаллайди, 36 миллиондан ошади. Ўзбеклар 69 %, руслар 11%, қозоклар, тожиклар ва татарлар 4% ни ташкил қилиади.[6]

1991 йил 21 декабря Арманистон, Озарбайжон, Белорус, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина давлатлари раҳбарларининг Алмати учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солинди. МДҲ- ихтиёрий иқтисодий уюшма дунёга келди. Кейинги йилларда МДҲнинг бир қанча ийғилишлари ўтказилди ва кўплаб хужжатлар қабул қилинди.[7]

1995 йилнинг 25-26 майида Минске МДҲга аъзо давлат бошлиqlарининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда давлатлараро Валюта Қўмитасини тузиш, МДҲ чегараларини мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинди. Айни пайтда хукумат раҳбарлари турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир 20 дан зиёд масалаларни муҳокама қилдилар.

МДҲ доирасида қабул қилинган битим ва шартномаларни амалга оширишда қуйидаги тамойиллар амал қиласи:

Биринчидан, интеграцион алоқаларни ривожлантиришда икки ва кўп томонлама шартномалардан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади;

Иккинчидан, ҳудудий интеграция ўзаро манфаатдорликка асосланиши ҳамда ҳамкор мамлакатларга зиён етказмаслиги;

Учинчидан, зарурият бўлгандан МДҲ қатнашчиларига иқтисодий жиҳатдан жамоавий ёрдам кўрсатиш;

Тўртинчидан, ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ислоҳотларни рағбатлантириш ва уларга ёрдам кўрсатиш;

Бешинчидан, давлатлараро муносабатларда интеграция алоқаларини, иқтисодий ҳамкорликнинг янгидан-янги шаклларини кенг миқёсда ривожлантириш.

МДҲ мамлакатлари билан интеграцион муносабатларни ривожлантириш бир нечта йўналишда амалга оширилиши мумкин:

Биринчидан, МДҲ республикалари билан савдо алоқаларини ривожлантириш. Бу йўналиш ўзаро савдо алоқалари ҳажмини оширишни тақозо этиб, бошқа ҳамкорлик шакллари учун эса асос бўлиб хизмат қиласи.



Эркин савдо зонасининг ташкил этилиши МДХ мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантиришнинг иккинчи йўналиши ҳисобланади.

МДХ доирасида интеграцион алоқаларни ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналиши божхона иттифоқи ҳисобланади. Божхона иттифоқи эркин савдо зонасидаги мамлакатларнинг учинчи мамлакатларга нисбатан келишилган сиёsat юритишини ишлаб чиқишдан бошланади.

МДХ да савдо-иктисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва интеграцион жараёнларни фаоллаштиришнинг яна бир йўналиши ҳисобланган умумий бозор божхона иттифоқи трансформацияси асосида зарурӣ иктисодий шароитлар пишиб етилганлик даражасига қараб шаклланади.[8]

Кейинги йилларда ҳам Ўзбекистон билан МДХ ўртасида кўп томонлама ривожланишга асосланган кўплаб битимлар имзоланди. Ҳозирги даврга келиб бундай битимлар ўз амалий ифодасини топиб бормоқда.

2017 йил 11 октябрь куни Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгашда, биринчидан, ҳамдўстлик маконида ҳеч қандай истисно ва чекловларсиз тез фурсатда тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш;

иккинчидан, МДХ да самарали интеграциялашган транспорт тизимини ривожлантириш;

учинчидан, илмий-техник ва таълим соҳасидаги алмашинувларни кенгайтириш;

тўртинчидан, туризм соҳасидаги катта истиқболлар ҳақида таъкидланди.[9]

МДХ га аъзо мамлакатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини 2020 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини таҳлил қилиш ва Ҳамдўстликнинг туризм бўйича кенгашининг кейинги йиғилишларидан бирини Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклиф қилинди.

Тошкентда 2018 йилнинг 20 сентябрь куни “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ш.Мирзиёев нутқ сўзлади ва қўйидаги таклифларни билдириди: “Марказий Осиёда транспорт қатновини ривожлантириш, тўсиқларни бартараф этиш, минтақа давлатларининг виза, транзит ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, таъриф сиёsatини уйғулаштириш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, истиқболли транспорт йўлакларини шакллантириш бўйича ягона қараш ва ёндашувлар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

2019 йилнинг 15 июнь куни Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида “Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича” кенгашнинг бешинчи саммити бўлиб ўтди. Саммитда Президентимиз Ш.Мирзиёев Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш, ёшларга кенг имкониятлар яратиб бериш, фан ва таълим соҳасини янада ривожлантириш, савдо-иктисодий соҳани кенг ривожлантириш ҳамда Орол муаммоси тўғрисида ўз нутқларида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

2019 йилнинг 11 октябрь куни Туркманистон пойтахти Ашхабод шаҳрида МДХ давлат раҳбарлари кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда эркин савдо ҳудудининг тўлиқ фаолият олиб боришини таъминлаш, ишлаб чиқариш кооперациясини янада кенг ривожлантириш, энергетика ва телекоммуникация соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш, инновация, фан ва таълим дастурларини тузиш сингари йўналишлар белгилаб олинди.[10]

Кенгашда 2020 йилда Ўзбекистонда МДХ нинг ҳудудларо биринчи форумини ўтказиш ҳақида келишилди. 2020 йилнинг баҳорида Тошкентда МДХ да ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва таҳдидларга қарши курашиб масалалари бўйича халқаро эксперталар форумини ташкил этиш ҳақида таклиф киритилди. Шунингдек, 2030 йилгача Ҳудудларо ва чегараолди ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш ҳақида фикр билдирилди.[17]



2019 йилнинг 29 ноябрь куни Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда савдо-иктисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидағи вазифаларни амалга ошириш, “Марказий Осиё – ягона ўтмиш, умумий келажак” шиори остида маданий-гуманитар алмашувларнинг яратилиши, минтақанинг сув ва экологик муаммоларини бартараф этиш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тинчликни таъминлаш ҳақида кўплаб фикрлар билдирилди.

“Дунёда Марказий Осиёга эътибор изчил ортиб бормоқда, бизнинг биргаликда илгари сураётган ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашга етакчи давлатлар ва халқаро молия тузилмаларининг қизиқиши тобора кучаймоқда” – дея таъкидлади Президент Ш.Мирзиёев.

2020 йилнинг 18 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Бунда агросаноат, машинасозлик, электротехника, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма кластерлар ташкил этиш назарда тутилади. Ушбу дастур ҳамда инновацион лойиҳалар ва илғор технологиялар тақдимотини келгуси йил Тошкент шаҳрида ўтадиган МДҲ мамлакатлари саноат кооперацияси форуми доирасида ўтказиш таклиф этилди. Шунингдек, “МДҲ саломатлик марафони”ни ўтказиш ҳам таклиф этилди.[16]

Саммит якунида Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, пандемия оқибатлари билан боғлиқ барча қийинчиликларга қарамай, биргаликдаги сайди-ҳаракатлар орқали Ҳамдўстлик янги воқеликка самарали мослашишга қодирлигини намойиш этди.

Мажлисда МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича асосий тадбирлар режаси, БМТ ташкил этилганлигининг 75 йиллиги муносабати билан ҳамда халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнотлар қабул қилинди.[11]

2021 йилнинг 16 июнь куни Тошкентда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда қарийб 50 га яқин мамлакатлар делегациялари вакиллари иштирок этди. Унда Президент Ш.Мирзиёев қуидагилар тақлифларни билдириди:

биринчидан, савдо-иктисодий алоқаларни ривожлантириш ва сармояларни қўпайтириш;

иккинчидан, Марказий ва Жанубий Осиёда замонавий ва хавфсиз транспорт-логистика инфратузилмасини барпо этиш;

учинчидан, истиқболли рақамли платформаларни яратиш;

тўртинчидан, минтақаларимиз худудида ўзаро ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги Дастур ишлаб чиқиш учун БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бошчилигига давлатларимиз қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувини ташкил қилиш;

бешинчидан, БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамкорлигига “Гиёҳвандликка қарши қўшма ҳаракатлар” режасини ишлаб чиқиш ;

олтинчидан, “Яшил” иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш ва экология масалалари алоҳида эътибор қаратиш;



еттинчидан, Марказий ва Жанубий Осиёда “зиёрат туризми”ни ривожлантириш, вакцинация бўйича “Янги шароитдаги туризм” концепциясини кенг жорий этиш; саккизинчидан, Ўзбекистоннинг Термиз шаҳрида ЮНЕСКО бошчилигига “Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий мероси” мавзуисидаги халқаро форумни ўтказиш таклиф этилди.[12]

Foydalaniman adabiyotlar:

1. Neil J.Melvin. Engaging Central Asia. Center for European Policy Studies.- Brussels, 2008. –P.1.
2. Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: 2005. –Б.29-31.
3. Жўраев Н. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.: Faafur Fулом, 2013. - Б.640-641 .
4. Ўз МА. Ф-М-37, 1-рўйхат, 2883-йиғма жилд. Б.23.
5. <http://qomus.info>>M harfi
6. ЎМА, Ф-М 37, 1-рўйхат, 873-йиғма жилд, Б.156.
7. Жўраев Н.Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т. : Faafur Fулом, 2013, – Б.627.
8. Алимов А. Глобаллашув ва минтақавий иқтисодий интеграция жараёнлари. –Т., 2016. – Б.216-217.
9. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон, 2018 йил. –Б. 329-330.
10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан- миллий юксалиш сари. Асарлар, 4-том. – Т. Ўзбекистон, 2020. – Б. 255-256.
11. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 19 декабрь, №268 (7770).
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: Минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуисидаги халқаро конференциядаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 17 июнъ.
13. Хамраев Сардорбек Шарафутдинович (2022). O'zbekistonda Ekoturizm Barqarorligini Ta'minlashda Ekologik Ta'lif Va Tarbiya Jarayonlarini Integrationsyalash Zarurati. Восточный Ренессанс: Инновационные, Образовательные, Естественные И Социальные Науки, 2 (12), 524-528.
14. Хамраев, С. (2023). ИСТОРИЧЕСКИЕ ПЕРИОДЫ СТАНОВЛЕНИЯ ЭКОТУРИЗМА В МИРЕ. Инновационные исследования в науке , 2 (10), 15-17.
15. Шарафутдинович К.С. (2023). Необходимость интеграции процессов экологического образования и обучения в обеспечении стабильности экотуризма в Узбекистане. Лучший журнал инноваций в науке, исследованиях и разработках , 2 (10), 230–233. Получено с
16. Рахманкулов, Ф. Р. (2022). МАВЗУ: МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАЪНАВИЙ ТАРРАҚИЁТНИНГ ОМИЛИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(12), 752-755.
17. Ikromovich, P. X. (2023). JADID MA'RIFATPARVARCHILIGI SHAKLLANISHIDAGI TARIXIY SHART-SHAROIT VA OBEKTIV ZARURIYAT. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(3), 167-179.

